



ОРАСТА ҚИЗЛАР
БЕЛЛАШИШДИ



ВИРТУАЛ ОЛАМДАН
РЕАЛ ХАВФ-ХАТАР



СОЯ, ОРТИДА
НУР БОР



МАДАНИЯТ, КУЧАСИ
КАЕРДА?!

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Кўли гул бувижонимдан айланай!

“ОБУНЯ – 2014”

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна
бир ҳақиқий аъзоси
сифатида қадрлаб, биз билан
ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаятган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга
обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



ҲИКМАТ

Олтин топмагину
ўргангин хунар,
Хунарнинг олдида
хасдир олтин-зар.
Абдурахмон ЖОМИЙ

ОРАСТА ҚИЗЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчи қизлари ўртасида "Ораста қизлар" республика фестивали ўтказилди.

Маълумки, 2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан республикадаги ўқув муассасалари қошида "Ораста қизлар" тўғараклари ташкил этилган эди. Болалар, ўсмирлар ва ёшларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, уларда оиласининг, маҳалла ва атроф-муҳитнинг тозаллигига бўлган эътиборни кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, баалоғатга етмасдан оила қуришнинг олдини олиш каби мақсадларда ташкил этилган мазкур тўғараклар бугунги кунга келиб юртимизнинг ҳар бир ўқув даргоҳи ва маҳаллаларида ёшларни ҳар жиҳатдан маънавий ва баркамол этиб тарбиялаш борасида катта бир ҳаракатга айланди.

Жорий йилнинг апрель ойида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи қизлари ўртасида ўтказилган фестивалнинг мантиқий давоми сифатида

ўтказилаётган мазкур тадбирда ҳудудлар кетма-кетлигида жамоаларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий соғга садоқат, юксак инсоний фазилатлар, жамиятда эъти-



роф этилган ахлоқ тамойиллари, диний ақидапарастлик ва миссионерлик ҳаракати таъсирига тушиб қолмаслик мавзусидаги чиқишлари барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

– Бизнинг "Барчиной" жамоамиз қизлари фестивалга "Ўзбек оиласи-

да ота-она ва фарзанд ўртасидаги муомала маданияти" ва "Оила одоби" мавзуларида сахнали кўриниш тайёрлаб келишди, – дейди Сурхондарё вилояти Термиз мактабгача

таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Валиева. — Биламизки, айниқса, қизлар тарбиясида "Бир қизга етти маҳалла ота-она", "Қариси бор уйнинг – париси бор" каби халқ мақоллари бебаҳо қадрият ва тарбия воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Бу эса, уларнинг оила, ота-она ва кексаларга бўлган меҳр ришталарининг янада мустақам боғланишига ёрдам беради.

Фестиваль жамоалар томонидан тайёрлаб келинган бир-биридан иб-

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан

ратли сахна кўринишлари, чиройли куй-қўшиқлар ва қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди. Ҳар бир жамоага тўрттадан савол берилиб, қизларнинг заковати ва билимига қараб ғолиблар аниқланди. 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Сурхондарё вилояти, 3-ўрин эса Навоий вилоятидан келган жамоаларга насиб этди.

Тадбир сўнггида ғолиб жамоаларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг эсдалик совғалари, ҳар бир иштирокчига эса Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Касаба уюшмаси Федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг совғалари топширилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова қатнашди.

Назира БОЙМУРОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

БОҒ ЯРАТГАН КАМ БЎЛМАС

Ўринбой ота билан Гулжаҳон аяни Оҳангарон туманидаги Болғали овулининг устунлари, деб аташарди. Бу гўшадаги ҳар бир хайрли ишда Ўринбой отанинг ўзи бош-қош бўларди. Ўринбой ота қаза қилгач, Гулжаҳон ая аёл боши билан овул боши бўлиб қолди. Бугун оҳангаронликлар Гулжаҳон аяни "Темир хотин" деб аташади.

— Аёл кишини оилада эрнинг вазири деб, бежиз айтишмаган, — дейди 73 ёшли Гулжаҳон ая Абдуллаева. — Асли Янгибозор шаҳрида ул-

Нихоят, навнихол кўчатларимиз кўкариб, мана шу кўриб турганингиз боғлар барпо бўлди. Ўринбой отанинг биз ўтирган супада бир этак невараларининг чопқиллаб ўйнашини, меваларини териб ейишларини хузурланиб кузатиб ўтирарди. Бугун эса 8 нафар эварани кўриш менга насиб этди. 1998 йили хўжайиним "Шер" фермер хўжалигини ташкил этишда ўзлари бош-қош бўлдилар. Ҳозир ўғлим Эргали хўжаликни бошқармоқда. Эржон иш юри-

тувчи.

— Ота-онамнинг бир умрлик орзуси шу ерларни обод қилиш, гуллантиш эди, — дейди Эргали ака. — Болалигимизда онамнинг челақлаб сув ташиб кўчат ундирганини яхши эслаймам. Иккаласи бизнинг ўқишимиз, яхши тарбия олишимиз учун ҳамма шароитни яратиб беришди. Барчамиз олий маълумотлимиз. Иш бошлаган кезларимиз фермер хўжалигимиз майдони 6 гектар эди. Энди 60 гектарга етди. Бу йил 30 гектарига ғалла, қолган майдонларда кунжут, по-



файган эдим. 1961 йили қамишдан чайлалар тўқилган мана шу қирлар этагига келин бўлиб тушдим. Бу ерларда фақат баҳордагина гиёҳлар унарди. Ичимлик сувини ҳам анча олишдан ташиб келтирардик. Ёзда жазирама иссиқда ҳамма ўт-ўланлар қовжираб кетарди. Атроф бийдай дала. На соя-салқин бор ва на бир шабада берадиган дарахт... Боғ-роғларимиз бўлсайди, деган орзу юрагимни ёндириб турарди. Бир куни иссиқдан лоҳас бўлиб йиқилиб қолдим. Кечқурун Ўринбой ота ишдан келганида: "Обод-обод боғ-роғли жойларда яшасан бўлмасмиди", дея арз қилдим. "Агар истасанг, майли, боғ яратамиз", деб қолдилар. Туни билан мижа қоқмай ўйланиб чиқдим. Кўз олдимдан ям-яшил ва сўлим боғлар ўтди. Эртасига астойдил сув таший бошладим. Буни кўрган эрим кўчатларни келтириб ерга эка бошлади. Уларга тинимсиз сув ташиб қуяман, денг.

2013 йил — Обод турмуш йили

лиз экинлари, пиёз, картошка, кунгабоқар етиштириб, шартнома

асосида тарқатмоқдамиз. Хўжалигимиз қошида асаларчиликни ташкил этдик. Насиб қилса, сервис хизмати йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Ўзингизга маълум, агротехника деҳқоннинг қуввати. Бу йил "Класс Доминатор" комбайни олдик. Ундан ташқари "МТЗ-80", "Т-40" тракторларимиз ҳам бор. Яқин орада "АРИОН" тракторини харид қилмоқчимиз. 18 нафар ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берганмиз.

Отаси изидан бориб, боғ-роғларини кенгайтирган ўғилларининг ишларига кузатиб Гулжаҳон аянинг қувончи қувонч қўшилади. Атроф бол тўла боғларга бурканган. Деҳқончилик ва боғдорчиликдан фарзандларининг рўзгорига барака кирмоқда. Зеро, бир пайлар бийдай қирларга кўз тиккан онанинг энг улуг орзуси истиқлол йилларига келибгина рўёбга чиқди.

ТАДБИРКОР ОИЛА

Оҳангаронлик яна бир тадбиркор Муҳаббатхон Абдурахмонова ёш бўлишига қарамай, улкан ишлар режасини тузган замондошларимиздан бири. У шу йилнинг баҳор ойида "Мухлисахон пазанда" оилавий корхонасини ташкил этди.

— Бугун ҳамюртларимиз яратувчанлик иштиёқи билан яшамоқда, — дейди Муҳаббатхон. — Юртимиз истиқлоли ҳар бир соҳада ҳалол иш-

лайман деган инсонлар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Бугунги кунда Оҳангарон тумани аҳолиси ҳам яратувчанликни, ободончиликни ўзига шиор қилиб олган. Аҳолига сифатли ва арзон нархларда хизмат кўрсатиш мақсадида ушбу корхонани очдик. Ҳозирги кунда тикувчилик цехимизда ишлар жуда қизғин. Моҳир чевар Шерзодбек Жабборов бошчилигида келин-куёвлар, аёллар ва эркеклар, болалар кийимлари буюртмалар асосида тикилмоқда.

— Бир пайлар эркакларнинг тикувчилик касбини эгаллаши одамларга бироз эриш туюларди, — дейди Шерзод Жабборов. — Аммо замон тараққий этгани сайин ҳар бир шахс элга нафи тегадиган, юрт ривожига ҳисса қўшадиган сеvimли ишининг бошини тутиши кераклигини теран англаб етмоқдамиз. Биз асли хоразмликмиз. Онам Ширин опа ўз даврининг моҳир чеварларидан бўлган. Бир куни мактабдан келсам, онам кўйлак тикиб ўтирган экан. Шунда "Ўғлим қайси касб эгаси бўласан?", деб сўраб қолдилар. Мен бўлсам сира иккиланмасдан, «Сиздек чевар бўламан-да, онажон», дедим. Фаршталар омин деган эканми, шу касбнинг ортдан рўзгоримизга барака қиярди. Кичик цехимизда учта иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, мактаб ва коллеж битирувчиларига ҳам хунар ўргатишни йўлга қўйганмиз. Рафиқам Интизор ҳам моҳир чевар. Келинимиз Шохида Курдошова моҳир парда тикувчи, Дурдона Абдусатторова эса эрта-индин чевар мақомига эга бўлади.

Корхона раҳбари билан тикув цехини айланарканмиз, турли бичимлардаги либосларни тикаётган тикувчи ёшларга ҳавасимиз ортди. Муҳаббат онанинг қизи Мухлисахон корхонанинг иш юритувчиси экан. Ўғли Равшанбек эса ИИБ ходими, кичик ўғли Асилбек мактаб ўқувчиси...

— Шуларнинг бахту камолини кўриш ниятида тиним билмай ишлаймиз-да, — дейди Муҳаббатхон. — Корхонада қандолатчилик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кичик тикув цехини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Тошкент вилояти.



Жорий йилнинг ноябрь - декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтади. Ушбу масъулиятли жараёнда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси тумани ёки маҳалласига борманг, сайловолди ҳаракатларининг қизгин давом этаётганига гувоҳ бўласиз.

Жамиятимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлган мазкур сайловларни қонун талабларига мувофиқ ҳолда, юксак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик даражада ўтказишда фуқаролар йиғинларига ёрдам бериш мақсадида давлат органлари, Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинулари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг вакилларида ташкил топган кўмаклашувчи комиссиялар тузилди ва айни кунларда мазкур комиссия вакиллари маҳаллаларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бизнинг туманимизда ҳам мазкур сайловларга қизгин ҳозирлик кўришмоқда, — дейди Бухоро вилояти Олот тумани хотин-қизлар кўми-

таси раиси, туман фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловларига кўмаклашувчи комиссия раиси Наргиза Номатова. — Ушбу сайлов жараёнида давлат ва жамият қурлишининг барча ҳабаҳларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаро-

килотлари, яраштириш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамкорликда олиб бораётган ишлари тўғрисида маълумот берилди. Буларда маънавий соғлом муҳитни мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз. Оилавий ке-

кучли ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ ни ўрганиб, руҳан тушқунликка тушган аёлларга қияндан ёрдам беришмоқда. "Бўстон" ҳамда "Ғойсчандир" маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар айниқса, кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатишга арзийди. Бўлажак сайловларни юқори савияда ўтказиш учун йилларда ташкил этилган ишчи гуруҳларимиз аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришмоқда.

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги "Арбағиш" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайловолди тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

— Маҳалламиз аҳли ҳар бир иш, ҳар бир тадбирни ҳамжихатликда ўтказишга одатланган, — дейди "Арбағиш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холлида Апанова. — Тўй-маъракаларда ҳам, ижтимоий-сиёсий тадбирларда ҳам маҳаллошларимизнинг аҳилигига қўшилганлигимизнинг ҳаваси келади. Сайловларни юқори савияда ўтказиш учун қилинажак ишлар режасини тузиб олдик. 21-умумтаълим мактаби директори Атираҳон Сайфиддинова бошчилигидаги ишчи гуруҳи ҳудудимиздаги мавжуд еттига кўчада тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда. Ёшларни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялаш борасида уларга шунчаки насиҳат қилиш эмас, амалий ўрнак кўрсатиш керак деган ақидага амал қиляпмиз. Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб

шукр қил", деган ажойиб нақл бор. "Энг ибратли оила", (Муҳаббатхон ва Толибхон Ҳотамов), "Энг обод хонадон" (Каримахон ва Шавкат Эгамбердиев) каби кўрик-танловларимиз голиларининг оилавий тутумларини кўриб, бошқалар ҳам меҳнат ва ҳаракат билан хонадонларини янада обод этиш мумкинлигини тушуниб етишмоқда ва шунга интилишмоқда. Айни кунларда туманимизда ташкил этилган сайловларга кўмаклашувчи комиссия вакиллари билан ҳамкорликда сайловолди тарғибот ишларини кенг йўлга қўйганмиз. Диний-маърифат ва маънавий ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз Фарид Ботирова, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот раиси Зарифа Каримова ҳамда Раънохон Матисақова, Манзураҳон Маткаримова, Салтанатхон Абдиева, Болтажон Оққўзиёва, Ўғил Олимов каби қайвони аёлларимиз маҳалламиздаги ободончилик ишларида, сайловолди тадбирларини ўтказишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Жойларда олиб борилаётган ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган мазкур сайловлар моҳиятини теран англаб етаётган ҳамюртларимизнинг фаоллиги тобора ортиб бормоқда.

Хамроҳон МУСУРМОҶОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

лик жамиятини ривожлантириш жараёнида чуқурлашиб бораётган, аҳолининг ижтимоий фаолиги кучайган даврга тўғри келмоқда. Сайловларни янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги Қонун талаблари ҳамда ошқоралик, тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказиш учун кенг кўламли ишларни йўлга қўйганмиз.

Туманимизда 43 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида хотин-қизларимиз фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда. Маълумки, оилалар мустаҳкамлигини, уларнинг маънавий соғломлигини асрашда, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич таш-

лишмовчиликларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида, ортиқча расмиётчиликка йўл қўймай ҳал этиш чора тадбирлари кўриляпти. Айниқса, аёлларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, ФХДБ бўлиминининг вакиллари ҳамда шифокорлар иш тирокида олиб бораётган тизимли тушунтириш ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қайвони онахонларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Маълумки, айрим аёллар руҳиятида ёки саломатлигида юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун кўпинча шифокорга эмас, маҳалласидаги чаласавод кимсаларга мурожаат этади. Ана шундай ҳолатлар-

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ходимлари кунин

МУНОСИБ ХИЗМАТГА МУНОСИБ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси катта инспектори, подполковник Шавкат Тўйчиев ўз ташкилотчилиги, тиришқоқлиги ва ишига талабчанлиги билан 23 йилдан буюн хизматдошлари орасида хурмат қозониб келмоқда.

Шавкат Тўйчиев ҳақида сўз кетганда, уни нафақат хизмат бурчига садоқатли, ватанпарвар ходим, балки меҳрибон ота ва оила устунли сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. У ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, бошқа ходимларга намуна бўла олди. Ўз хизмат фаолияти даврида профилактика хизмати фаолиятига доир Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Ш.Тўйчиев республика ҳудудида содир этилаётган жиноят ва қонунбузарликлар, турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш ишларида кенг жамоатчиликни ҳамда маҳаллаларда хизмат кўрсатаётган профилактика инспекторлари билан маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳамкорликдаги иштирокини кучайтириш

мақсадида Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан қўшма қарорлар ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келмоқда.



Подполковник Шавкат Тўйчиев хизмат фаолияти давомида республикамизнинг турли ҳудудларида хизмат сафарларида бўлиб, профилактика хизмати ходимларига хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фож этиш борасида амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Ферузбек АМОҶОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Хуқуқбузарликларнинг олдини
олиш Бош бошқармаси катта
инспектори, капитан.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Тил миллатнинг руҳи, жамиятнинг маънавий ва бебаҳо бойлигидир. Олимларнинг эътирофича, дунёда уч мингдан ортиқ тил мавжуд экан. Демак, ер юзюда турли миллатлар бўлгани каби уларнинг ҳам ўз она тиллари, бой маданий, маънавий тарихи, буюк аجدодларининг ўлмас мероси борлигини эътироф этиш жоиз.

Ҳар қандай инсон воёга етиш асосида ўз халқига хос урф-одатлар асосида тарбияланади. Ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда она тилининг ўрни беқиёс экани ҳеч кимга сир эмас. Бола гўдаклигиданок ён атрофидаги нарсаларни қайси тилда атай бошласа, унинг онгида ўша халқга хос маданий қадриятлар шаклланиб бориши мутахассислар томонидан исботланган.

Замон тезкор. Турли алоқа воситалари йўлга қўйилмоқда. Дунёнинг нариги четидаги одам билан ҳам бемалол интернет сайтлари ёки телефонлар орқали гаплашиш мумкин. Бугун кўпчилик ёшлар интернет орқали танишувини йўлга қўйишган. SMSлар ҳам хабарлашувнинг муҳим омилга айланиб улгурди. Аммо тилнинг бузилиш ҳолатлари айнан мана шу замонавий ахборот алмашиш технологияларида яққол кўзга ташланмоқда. Сўзларни бузиб, қисқартириб бир-бири билан хабарлашаётган ёшлар учун ана шу қисқартма сўзлар кўникмаси ҳам шаклланиб улгурди. Бундай ҳолатларни кўриб, афсусланиб кетасан киши.

Тилга эътибор — элга эътибор деб бежиз айтишмаган. Дунёдаги халқларнинг барчаси ўз тилини миллий

қадрият сифатида эъозлайди. Бизнинг она тилимиз ҳам бошқа тиллардан қолишмаслиги, унинг нақадар юксаклигини бундан олти аср аввал Навоий бобомиз исботлаб кетган.

Тилнинг ривожланиши жамият ҳаёти, тараққиёти билан бевосита боғлиқдир ва ундаги ўзгаришлар, албатта, тилда ҳам ўз аксини ифода этади. Шу боис, 1989 йилнинг 21 октябры кунин она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — Мустақиллигимизни мустаҳкамловчи омиллардан бири эди.

Мана, 24 йилдирки, ушбу тарихий кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг ўз тилига, элига бўлган кексиз муҳаббати, ижодкорлик қудрати тил масалаларида миллийлик нуқтаи назардан қарашда намоён бўлди. Давлат, жамият ва миллатнинг улуглигини таъминлашда тил масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Ўз она тилимизга хурмат билан қарашимиз, унинг маънавий мазмунини бойитиб боришимиз ҳамда юксак даражаларга олиб чиқишга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Шу маънода бугунги глобаллашув жараёни, маданиятлар орасида тўқнашувлар, уйғунлашувлар қизгин кечяётган бир даврга фарзандларимиз халқимизнинг минг йиллик бисоти бағрида сақланиб келаётган она тилимизда бийрон сўзлаши, умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг миллий менталитетимиз асосида тарбияланиши жуда муҳимдир.

Сабоҳат ТЎХТАБОВЕВА,
ТДТУ қошидаги академик
лицей ўқитувчиси.

Фахр

Кўрган бошқа, эшитган бошқа экан. Шахсан мен, деярли кунора матбуот саҳифаларида бугунги суҳбатдошим — таникли фотожурналист, Антик дунё халқаро илмий академияси профессори Шомурод Шароповнинг исми-шарифига кўзим тушади. Уч кун аввал Қорақалпоғистондан олинган сурати газетада чоп этилган бўла, куни кеча Фарғонадан тайёрлаган ажойиб фоторепортажи босилади. Хайрон бўлман, қандай улгурар экан, деб. Яна денг, бой ўтмишимизга оид китоблар ҳам эълон қилибди.

СУРАТИ ВА СИЙРАТИ БИР ОДАМ

— Болаликдаги унутилмас ёрқин хотиралар мени ижод оламига етаклаган десам муболаға бўлмайди, — дея сўз бошлади Шомурод ака. — Онам раҳматлининг касби ҳамшира эди. Аммо адабиёт, санъатга ихлоси жуда баландлигига кўпчилик ҳавас қиларди. Эсимда, уйимизда ўрикдан ясалган дўмбира бўларди. Ана ўша дўмбирани чертиб, халқ термаларини бизларга қўшиқ қилиб айтиб берарди. Дўмбира чертаётганларида бутун борлиқни унутар, эшитувчиларни ҳам ўзига маҳлиё қилиб кўярди. Онамнинг бошларини хиёл эгганча дўмбира чалган ҳолати кўз олдимда муҳрланиб қолган. Тасаввур қиялпсизми, у киши уй юмушлари, касби билан боғлиқ ишларидан ортиб, китоб ўқиш, мусиқа билан жиддий шуғулланишга вақт толарди. Бирор марта отамга ёки бошқаларга рўзғор ташвишларидан чарчаб кетдим, дея нолиганини эшитмаганман.

Ўша пайтлари дунёда энг кучли аёл менинг онам бўлса керак, деб ҳисоблардим. Ўзим оилали бўлгач, оналарнинг ҳаммаси фидойи, жонсарақ, меҳрибон эканига амин бўлдим.

— **Гурунг орасида отангиздан уч мингга яқин китоб мерос бўлиб қолганини фахр билан айтиб ўтдингиз. Фарзандларингизни тарбиялашда ҳам бу беқиёс бойликнинг ўрни гоят қатта бўлганми?**

— Раҳматли падари қулуруқорим Шароф Ҳамро Охун ўғли эски ва янги мактабларда таълим олган илмий киши эди. Қишининг қировли тунлари уйимизга ўнлаб ҳамқишлоқларимиз тўпланишар, отам уларга "Санобар", "Зайнулараб", "Бобо Равшан", "Ҳазрат Али жангномаси" каби эски ўзбек имлосида битилган дostonларни ўқиш берарди. Китобларни ниҳоятда кадрлаб, кўз қорачигдек авайларди. Хонасининг бир четига чиройли китоб жавон ясапти, ўша ерда сақларди. Фарзандларим ҳам бундай нодир китоблар таъсирида улгайгани боис илмга меҳр қўйишди. Катта ўғлим Шавкат ҳарбий соҳада, Шоҳаббос Тошкент давлат шарқшунослик институти, Фаррух Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида инглиз тили факультетини тугатган. Ўзлари ёқтирган соҳаларда меҳнат қилишяпти. Турмуш ўртоғим Гулчехра билан болалар тарбиясида ўзиминг оилавий тартиб дастурини белгилаб олган эдик. Биринчи на-

вбатда, уларни миллий руҳда улгайишига алоҳида эътибор қаратдик. Тежамкорлик, ростгўйликка, мустақил қарорлар қабул қилишига болалигида ноқ ўргатдик.

Ўзимизнинг қизиқ, жайда-ри оила тутумимизни айтиб берайми сизга? Катта ўғлим



Шавкат пойтахтга ўқишга кетаётган куни қўлига фотоаппарат тутқазиб, "Ўғлим, шу матоҳ сени ҳам ўқитади, ҳам боқади", дедим. Шоҳаббос талабалар уйида яшарди. Унга соч оладиган аппарат совға қилдим. Талабаларнинг сочини олиб, ҳам уларнинг раҳматини эшитди, ҳам пул топиб, ўз кунини кўришга ўрганди. Кичигим ўқишга кирган йили техника ривожланиб кетди. Унга ҳеч нарса совға қилмадим. Аммо унинг ўзи ташаббус билан чиқди. Бир танишининг машинасини ижарага олиб, дарсдан бўш вақтларида қиракашлик қилиб, пул топди. Тирикчиликнинг айби йўқ, дейдилар, тўғрими? Ўзим ёшлигимдан техникани яхши тушунардим. Уйда рўзғор анжомлари бузилиб қолса, дарров тузатиб берардим. Билганларимни болаларимга ҳам ўргатдим. Йигит кишининг қўлида қирқ эмас, ҳатто етмиш хўнари бўлса ҳеч қачон бировдан кам бўлмайди. Аксинча, болага касб-хунар ўргатмай туриб, унинг қўлига пул тутқазиб қўяверсангиз озгина қийинчиликка дуч келиб қолса, йўлини тополмай, тушкунликка тушиб қолади.

— **Шомурод ака, фотожурналистика соҳасининг айримлар ўйлаганидек, энгил ёки осон эмас, аксинча, мураккаб жиҳатлари хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Бугунги кунда фотоаппарат, видеокамера, компьютер кириб бормаган хонадор деярли кам. Шунга яраша, кўча-кўйда ҳаваскор фотосуратчилар ҳам исталганча топиларди. Ҳатто кейинги йилларда фотожурналистика алоҳида фан сифатида

ўқитилмоқда. Сурат табиий ва бадий жиҳатдан мукамал чиқиши учун эса ўқиб ўрганишнинг ўзи кам. Ўзимдан қиёс, шу соҳада ишлаётганимга қирқ йилдан ошди. Лекин ҳалиям билмаганларимни ўрганишга эҳтиёж сезаман. Фотожурналистикани

мукамал эгаллаш учун Неъмат Содиков, Тоҳир Ҳамидов, Искандар Хўжаев, Алишер Авазов, Рустам Шагаев, Гораклик, Пенсон, Ванштейн каби профессорлар мутахассислардан сабоқ олдим. Биласиз, матбуот журналистикаси алоҳида бир қатлам. Бунинг учун ҳар бир суратга ижодий ёндашиш талаб этилади. Айрим қаҳрамонларни суратга олишдан бир-икки кун олдин ёнига бориб, у билан дўстона суҳбатлашиб, ўзингизга оғдириб, касбингиз қийинлигини тушунириб, керак бўлса, латиқалар айтиб, рози қилишга тўғри келади. Икки-уч кунлаб уйига бормамай, шийпонда ётиб юрган фермер ёки меҳанизаторларни иш жараёнида суратга олиш учун боралётганимда баъзан уларни газетбоп қиёфага киритиш учун ёнимда устара билан бош қийим ҳам олиб юраман.

1980 йилларда суратлар плёнкада сақланиб, сўнг қозғога чиқариларди. Бир қаҳрамонимнинг сурати қоп-қора чиқиб, ўша пайтдаги муҳаррир ёрдамчиси суратни қайта олиб келишга юборди. Яна қоп-қора чиқди. Жажли чиқиб, "Нега бу сурат қоп-қора чиқаяпти. Ёруғроқ жойда олсангиз бўлмайми", деб танбеҳ берди. Мен ҳам азбаройи жаҳлим чиқгани боис: "Барака топгур, унинг ўзи онадан қоп-қора бўлиб туғилган бўлса, мен уни оҳақ билан оқлай олмайман-ку", десам, у қулиб юборди... Ҳозир эса суратларни сифатли даражада олиш имкони кўп. Баъзи лавҳаларни эрталаб, айримларини эса тушдан кейин олиш мумкин. Булут чиққан пайт осмон жуда чиройли рангда бўлади. Тоғлар-

нинг ортидан мўралаб турган булутни суратга олиш учун уч кунлаб кутган кунларим бўлган. Менинг назаримда, кимё, физика ва бадийликни уйғунлаштира олган ижодкор мукамал асарлар ярата олади.

"Ислоҳ Каримов", "Қашқадарё", "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Ўзбекистон божхонаси" номли рангли фотоальбомларга ҳаммуаллифик қилдим. Кўплаб муаллифларнинг китоблари учун фотосуратлар тайёрлаб бердим. Мактаб ўқувчиларига мўлжалланган "Фотоҳаваскорлар учун қўлланма" номли китобни нашрдан чиқардим. Айни пайтда фотожурналистлар учун қўлланма китоби устида ишлаяпман.

— **Эътиборли жиҳати, сиз фотожурналистикдан ташқари, республикамиз, жумладан, Қашқадарё заминидagi тарихий зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихи билан боғлиқ изланишлар меваси бўлмиш қатор китоблар ҳам нашр эттирибсиз...**

— Мен тарихчи эмасман, лекин мозийни, ота-боболарим босиб ўтган жойлар ўтмишини ўрганишга қатъий бел боғлаган ҳаваскор кизикувчиман. Шу пайтгача ўн бешга яқин бадий, публицистик, тарихий мавзулардаги китобларим чоп этилди. Қолаверса, Ватанимиз тарихининг ажралмас бўлага бўлмиш зиёратгоҳлар, қадамжолар, тепалиқлар, меъморий ёдгорликлар, тарихий шахслар ҳаёти ва илмий меросларини ўрганишга ҳам кўнглимда ҳавас уйғонди. Зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ бир қатор китобларим чоп этилди. Демак, буюқ ёзувчимиз Абдулла Қодирий таърифи билан айтганда, мозийга қараб иш тутмоқ ниҳоятда савоблигини ва муқаддас ҳикматларда таъриф берилган Ватанинги севмоқ иймондан эканлигини биз фарзандларимиз юрагига сингдирайлик.

...*Сухбатимизни Шомурод Шароповнинг жиринглаб қолган қўл телефони бўлиб қўйди. Секингина узр сўраб, «Хўп бўлади, эртага эрталаб самолётда учаман, насиб этса, пешиндан сўнг суратларни интернетда жўнатаман», дея биз билан шоша-пиша хайрлашаркан, заҳматкаш фотосуратчи, қалби дарё инсон Шомурод Шаропов яна ўзи хизмат қилаётган тахририят йўлланмаси билан навбатдаги ижодий сафарга жўнаб кетди...*

Кўп кўрганмиз турли тоифа одамларини. Бирининг тили бошқа, дили бошқа, бошқасининг эса қиёфаси алдаса, бир қилиги ортиқча. Лекин иймонли, ҳалол, тўғри сўз, муҳими, ёлғону гийбатлардан ҳазар қиладиганлар ҳам орамизда ниҳоятда кўп. Бугунги қаҳрамонимиз Шомурод Шаропов ҳам сурати билан сийрати бир замондошларимиздан десак, янглишмаймиз.

"Оила ва жамият" муҳбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.



ТҮРИҚ — тилимизда қизғиш, тўқ жигаранг от қадимдан "тўриқ" сўзи билан ифодаланган. Қадимги тилимизда "қизғиш" мазмунини билдирган "тўр" деган сўз бўлган. Бу сўзнинг илк шакли "торик" шаклида бўлган.

Отабек тўриқ йўрғани чиқариб, кутидорга тутди.

Абдулла Қодирий

ПИЧАН — тилимизда "ўриб, қуритилган ўт", "хашак" маъносини англатган "пичан" сўзнинг туб илдизи "кес", "ўр" маъносидagi "бич" феълига бориб тақалади. Бу худди "пичоқ" сўзнинг "бичоқ" шаклида бўлганлигини эслатади.

Жангчиларнинг кўпи қалин пичан устига юмалаб ухлаб қолишди.

Ойбек

ҚУШУЙҚУ ВА ҚИШУЙҚУ — тилимизда шаклан бир-бирига ниҳоятда яқин бўлган бу сўзлар мазмун жиҳатдан бир-бирига зид маъноларда келади. Одатда, ниҳоятда кам ва тез ухлайдиган, салгина шовқинга уйғониб кетадиган одамларга нисбатан "қушуйқу" сўзи қўлланилади. Илон, айиқ каби ҳайвонларнинг қиш фаслида яшириниб узоқ уйқуга кетиши "қишуйқу" сўзи билан ифодаланади.

ЙЎЛ — бу сўзнинг ҳозирги маъноси ҳаммамизга маълум. Манбаларда изоҳланишича, "йўл" сўзи асли "бахт", "омад", "муваффақият", "улуш", "шараф", "тақдир" маъноларини англатган.

Йўлинг бехатар бўлсин!

Халқ ибораси

Узоқ сафарларда одамга йўл йўлдош бўлади.

Халқ ибораси

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Бугунги кун боласининг имкониятлари ниҳоятда кўп. Хоҳласа, китоб ўқийди, истаса, компьютер ўйнайди, уяли телефон эса туну кун ҳамроҳи. Бироқ булардан ҳам кўра болажонлар кўп вақтини ойнаи жаҳон қаршида ўтказаяпти. Жондан азиз фарзандларимиз бир кунда қанча вақтини телевизор қаршида ўтказса тўғрироқ бўлади, аслида? Телевизор қаршида меъёрдан ортиқ ўтириш, турли теледас-тур ва фильмлар бола руҳиятига қандай таъсир кўрсатади? Шу каби долзарб саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа мутахассисларини суҳбатга чорладик.

**Раъно МУҲАММАДЖОНОВА,
олий тоифали шифокор, педи-
атр:**

— Сўнги вақтларда нафақат катталар, балки болалар ҳам сериаллар оламига шўнғиб кетишди. Бундан ташқари, турли хорижий фильмларни кўриш жараёнида ота-оналарга фарзандлари ҳам шерик бўляпти. Лекин шу нарсани унутмаслик лозимки, мистик ва кўрқинчли кинолар катталарда уйқусизлик, болаларда эса уйқудан кўрқиб уйғониш, дудукланиш, кечаси ўрнини хўллаб қўйиш ҳолатлари содир бўлишига олиб келади. Бора-бора бундай ҳолатлар инсон асаб тизими билан боғлиқ турли касалликларнинг келиб чиқишига замин яратяпти. Айниқса, 5 – 8 ёшли болаларда юқорида тилга олинган ҳолатлар кўп кузатилади. Бунга, албатта, фарзанднинг бўш вақтини тўғри ташкиллаштиришга қизиқмайдиган ота-оналар айбдор. Оилада боланинг телевизор қаршида ўтадиган вақтини тартибга солиш, доимий назоратга олиш шарт деб ҳисоблайман.

Этибор берсангиз, жангари фильмларни томоша қилиш жараёнида боланинг нафас олиши тезлашади, кўз қорачиқлари катталашади, ҳатто кўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилиши мумкин. Бу эса асаб тизими-га ортиқча босим тушаётганидан далолат. Энг ачинарлиси, ҳозирги кунда хориждан кириб келаётган ва телеэкранларда намойиш этилаётган айрим мультфильм қаҳрамонлари ҳам аллақандай нотабий, бадбашара махлуқлар. Уларда кўтарилаётган мавзулар ҳам болага тушунарсиз, баъзи диалогларни катталарнинг ўзи ҳам зўрға тушунади. Бундай кино ёки мультфильм таъсирида бола кўрқиб ухломлайди, айрим ҳолларда эса, туну билан алаҳсираб чиқиши ҳам мумкин. Қолаверса, жангари фильмларни доимий томоша қилиш болани зўравонликка, тажовузкорликка мойил қилиб қўйиши эҳтимоли ҳам юқори.

Шунинг учун телевизорнинг кундалик турмушдаги аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда, фарзандларимизнинг телеэкран қаршида ўтадиган вақтини режали ташкил этиш лозим. Бола ўз ёшига мос кўрсатув бериладиган вақтдагина телевизор кўриб, бошқа пайт зарури юмушлар билан банд бўлса, ўзи учун ҳам фойдали бўлади.

Болани кўрқинчли лавҳаларга, ур-йиқит сахналарга тўла фильмлар кўришдан сақлаш, руҳиятига салбий таъсир этувчи босқинчилик ва баҳа-ликни тарғиб қиладиган сериаллардан ҳимоя қилиш лозим. Буну, албатта, фарзанд тарбиясига ўзини масъул деб ҳисоблаган ота-онагина амалга ошириши мумкин. Масалан, оила даврасида муҳокама қилиниши мумкин бўлган мавзудаги баҳс-мунозарага бой кўрсатув берил-ляпти. Сиз ҳам фарзандларингиз билан уни томоша қилинг. Кўрсатув мавзуси доирасида фарзандларингиз фикрига қизиқинг, уларнинг қарашларини тўлдириг, зарур ўринларда якуний хулоса беринг. Фақат болангизга биринчи бўлиб фикрини айтиб олишга имконият яратинг. Шундан кейингина аслида тўғри хулосани мисоллар орқасида асослаган ҳолда тушунтиринг. Бунда, биринчидан, болангизнинг дунёқараши ҳақида билимга эга бўлиш баробарида, нотўғри ўйлаётган бўлса, уни тўғрилаш имкониятига эга бўласиз. Иккинчидан, оила даврасидаги бундай суҳбатлар сизнинг фарзандларингиз тақдирини, ўй-хаёллари-га бефарқ эмаслигини кўрсатади ва икки ўртада яқинлик, ўзаро ҳурматни юзага келтиради. Қолаверса, бу сизда фарзандларингиз кўраётган кўрсатувларни назорат қилиш тажрибасини ривожлантиради.

**Лутфулла ТУРСУНОВ,
ЎЗМУ психология кафедраси
доценти, психолог:**
— Олимларнинг аниқлашича, экран ортида бўлаётган воқеалар одамлар руҳиятига бевосита таъсир этар экан. Масалан, навбатдаги фантастик фильмдан сўнг ташқаридаги шовқиндан “Ўзга сайёраликлар келган бўлса-я!”

деган фикрга келишингиз ва буни ода-тий ҳолдек қабул қилишингиз мумкин. Ялмоғиз кампирнинг борлигига ишонадиган беш яшар болакай эса бундай фильмдан кейин ҳар куну ухлаш олдидан каравоти остига мўралайдиган бўлиб қолиши табиий. Афсуски, кўпга ота-оналар фарзандлари қандай теледас-турларни қанча муддат давомиде томоша қилишига деярли эътибор беришмайди.

Таникли адиб Тоҳир Маликнинг «Жинойятнинг узун йўли» номли аса-рида вояга етмаганлар қандай қилиб жинойят йўлига кириб қолишлари чу-қур таҳлил қилинган. Ойнаи жаҳон-нинг ёшлар онгига таъсири ҳақида ёзар экан, муаллиф ҳаётда рўй бер-ган машъум фожианинг Россия теле-



**ВИРТУАЛ ОЛАМДАН
РЕАЛ ҲАВФ-ХАТАР**



видениесидаги бир кўрсатувда на-мойиш этилгани ҳақида ёзади. Уйига кеч келгани учун онаси ва акалари-дан танбех эшитган 16 ёшли ўсмир уларни болта билан чапиб ташлай-ди. Кўрсатув муҳбири ўсмирнинг бун-дай ваҳшийликни бамайлихотир амалга ошириши сабабини у севиб томоша қиладиган фильмда, дея таъ-кидлайди. Ўсмирнинг икромича, зулм ва қотиллик акс этган бу фильмни у 86(!) марта томоша қилган экан. Ай-нан шу фильм таъсирида бола совуқ-қон бўлиб қолган...

**Қодир ота МАҲМУДОВ,
Тошкент шаҳридаги “Обод”
маҳалласи оқсоқоли:**
— Кейинги пайтларда болалар бўш вақтларида кўпроқ телевидение ва видеотошошлар, компьютер ўйинла-

Долзарб мавзу

ри билан банд бўлишяпти. Мени кўпроқ хорижий сериаллар ташвиш-га солади. Уларга бу даражада каттик боғланиб қолиш яхши эмас, албатта. Айниқса, болаларнинг жангари сери-аллар муҳлисига айланиши... “Мен Жу Монгман” деб бир-бирига таёқ, пичоқ ўқталадиган болалар бирор аҳмоқликка қўл уриб қўймаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Бола – бола-да, кутилмаганда ёнидаги ўртоғига бирор ўткир нарсани суқиб олиши ҳам ҳеч гап эмас... Эсимда, ёшлигимизда катталар уруш кинолар ёки ҳинд фильмларини кўришимизга руҳсат беришмасди. Ҳозир эса мак-табга бормаган бола ҳам қайсидир сериал қаҳрамонини сиздан кўра ях-широқ танийди.

Болаларни катталар учун мўлжал-ланган фильмларни кўрмасликка одатлантириш керак. Фикримча, бир-дан-бир тўғри йўл — болаларга ёшли-гидан тўғри таълим-тарбия бермоқ-дир. Бунинг уддасидан чиқиш эса ниҳоятда машаққатли. Ахир боланинг нотўғри йўлларга юриш-юрмаслиги, аввало, оиладаги тарбиявий муҳитга боғлиқ экани исбот талаб қилмас факт-ку. Катталарга тааллуқли мав-зунинг болалар онгига қўйиш улар-нинг ақлий ривожланишига путур ет-казади. Чунки бу каби мавзуларга ҳам жисмоний, ҳам руҳий тарафдан ҳали тайёр эмас улар. Очيق саҳналарга бой фильмлар келажақда фарзанд-ларимизнинг жинсий ҳаётига ҳам сал-бий таъсир ўтказишини унутмаслик лозим.

Бундан ташқари, болажонлар қизиқиб кўраётган замонавий мульт-фильмларда она сиймоси деярли йўқ. Бўлса ҳам, улар бош қаҳрамонларга халал берувчи образ сифатида тал-кин этилади. Миллий афсонаю эртак-ларимизда эса, она бу — раҳмдил, ҳар он ёрдамга ҳозир бўлган зотдир. Ҳам-мамиз яхши биламиз, жаннат оналар оёғи остида эканлигини ёшлигимиз-дан ўргатишган. Аммо хориж талки-нидаги “замонавий” оналар сиймоси ҳақида бундай дея олмаймиз.

Халқимиз қадимдан бола тарбия-сига алоҳида аҳамият бериб келган. Бугун ота-оналардан талаб қилина-дигани ўз фарзанди тарбиясига бе-парво бўлмаслик, унинг эркин фикр-лаши, ҳаётга мустақил қадам ташла-шига кўмаклашидир. Ёш нихолга қанча парвариш керак бўлса, шу каби фарзандга ҳам ота-она меҳри, муҳаб-бати сув ва ҳаводек зарур. Зеро, ке-лажақда у пурвиқор дарахтга айла-ниб, ўзини, фарзандларини, халқини ҳар қандай ёт гоъвий довулу брон-лардан ҳимоя қиладу. Маънавий таҳ-дидлардан муҳофазаланган руҳан соғлом оиланинг чинакам суянчи ва таянчига айланади.

Камола АҲМЕДОВА.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таълиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўйил болалар учун).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тирноқ, киприк ўстириш ва дигелляция - 1 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Каштачилик — 3 ой (машинада вишивка). Тўкувчилик — 3 ой.
Тиббий массаж — 3 ой.	Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.	Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.	Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.	Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.	

**Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона.
МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи).

ЭЪЛОН!

Кислицин Юрий Викторович номига берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси, техник паспорт ва 04.07.2013 йилда берилган серия рақами O'zR №002020 рақамли йўлларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шин Семен Дмитриевич номига 05.07.2013 йилда берилган O'zR №002071 рақамли барча давлат шаҳар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Буни ҳаёт дейдилар

...Шоирани текширувдан ўтказган шифокор бедаво дардга йўлиққанини айтганида унинг хуши бошидан учди. "Ҳаётнинг менга атаган синовлари бунчалар кўп бўлма-са", деган аччиқ бир алам бўғзини куйдирди.

Меҳрибонлик уйда ота-она меҳрига муштоқ бўлиб ўтган болалигини эсласа, ханузгача юраги сиркирайди. Тарбиячиларга, яхши одамларга суняиб вояга етди. Ўқиди. Шифокорлик дипломини қўлга олди. Ҳаётини Жўрабек билан боғлади. Бошига бахт қуши кўнгандек бўлди. Жўрабеkning муҳаббат-ти қалбига нур, иссиқлик олиб кирди. Аммо бефарзандлик уларни қийнади. Эр-хотин шифокор кўригидан ўтишганида Жўрабеkning фарзандли бўла олмаслиги маълум бўлди. Йигитнинг боши эгилди. Кўзига олам қоронги кўри-ниб юрган ана шундай кунларнинг бирида у Шоирага: "Агар мени ҳеч қачон ташлаб кетмасликка сўз берсанг, фарзандсиз ўтишга рози бўлсанг, бу ҳаётда яшайман. Йўқ, десанг, ўзимни ўлдирман!" деди.

Шоира унинг ёнида қолишга сўз берди... Гоҳида она бўлиш истаги бутун вужудини қамраб олган кунлар бўларди. Болаларни кўрса, ич-ичидан бир қувонч отилиб чиқарди. Аммо бу ҳақда ҳеч қачон эрига оғиз очмади. Унинг кўнглини орғитиб қўйишни истамади. Бир умр Жўрабек билан ўзига фарзанд тилади. Энди эса шифокор бедаво дардга йўлиққанини, даволаш учун эса анча кеч қолганини айтяпти...

Шоира уйига оқшом туша бошлаганда етиб келди. Куни билан қаерларда тентиради, ўзи ҳам билмайди. Уйига кириши билан бир пайтлар ўзи ҳавас билан жиҳозлаган, Жўрабек акаси билан хушхандон яшаган уйи кўзига гариб ва тор бўлиб кўринди. Ошхонага кириб, бир пиёла муздай сув ичди. Мана шу унга кечки овқат ўрнига ўтди. Ечинмасдан ўзини ўринга ташлади.

Энди у йиғламасди. Аёл зотининг қўлидан келгани ҳам шу — мусибатга жуда тез қўниқари. «Биттагина болам бўлганидами, ҳаммасига розийдим. Эртага одамлар уни кўрганида, мени эслашарди. Лекин... ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим...»

Жўрабек ишдан қайтди. Шоиранинг нега йиғлаганини обдан сўраб-суриштирди.

Шоиранинг кўзларида ёш ҳалқаланди:

— Агар... мен ўлсам... мени соғинасизми?

— Вой, жинни-ей, бу нима деганинг? Соғинишим учун ўлишинг шартмас. Шундоқ ҳам бир кун кўрмасан, соғинаман. Нега бунақа деяпсан? Ичингда бир дардинг борга ўхшайди. Гапир, нима бўлди?

— Мен... Менинг тобим йўқ.

— Нима?! Нега?
— Билмайман, тез-тез танамда орғиқ тураяпти. Чидаш қийин...

Орадан икки соатлар ўтиб, улар бошқа бир шифокор қабулида ўтирардилар. Шои-

ра яна текширувлардан ўтди. Бу шифокор ҳам аввалгидек хулосани айтди:

— Бу касалликни айнан фарзандсизлик келтириб чиқарган бўлиши ҳам мумкин. Начора, аёлингизнинг ҳаёти, ҳавф остида. Унинг кўнглига қаранг. Бизга жуда кеч муружаат қилгансизлар. Касаллик жараёнини тўхтатиб қолишга ожизмиз, фақат хуруж пайтида оғриқни пасайтирадиган дори-дармонлар тавсия эта оламиз, холос... Биргина умид Аллоҳдан... Наридан бора, олти-етти ойлик умри қолган, — деди у Шоирани ташқарига чиқариб юборган Жўрабекка.

Шоира ўйланиб қолди. Қандайдир учкун ялт этган Жўрабеkning кўзларида қуликми, айёрликми, шунга ўхшаш ифодани кўргандай бўлди.

— Билмасам...

— Менга ишонмайсанми, Шоира? Роза бўлмасанг, мен хароб бўламан...

— Майли, розиман... Фақат бир-икки кун менга имкон беринг. Нарсаларимни... Йиғитириб олай.

Шоиранинг юраги гашланди. Нега энди шу пайтгача тарикча зарарга ишламаган Жўрабек бирдангина шунча катта пулга тушиб қолди? У

тираси борлиги, харидор топишларини сўраганини айтди.

Шоиранинг шубҳалари рост чиқди. Жўрабек шунчалик пасткашликка бормаганида ҳам, ўша уй эрта-индин унга қолишини ўйлаб ҳайрон бўлди. Дарвоқе, у холда кватирани олди-сотдисиди муаммо пайдо бўлиши турган гап-ку. Уй Шоиранинг номида. Унинг вафотидан кейин Жўрабек мақсадига етиши анчайин мушкул. Шу сабабдан у шошган. Шоиранинг умри қисқа қолганини билгач, уйга эгаллик қилиб қолишни ўйлаган...

Шоира тақдирнинг навбат-

диган дугонасининг уйига борди. Бир неча кунга бош-пана сўради. У шунча йиллик кадрдонидан айрилгани, туй-гуларининг сароб бўлиб чиққанидан эмас, балки умрининг сўнгги кунларида сарғардон бўлаётганидан ўкин-нарди. Тун бўйи йиғлаб чиқди. Тонгга яқин хушини йўқотди. Кўзини очганида, касалхонада ётарди. Ёнида дугонаси.

— Ўзингни қўлга ол. Ўзинг айтганинг-ку, ҳаётда курашиб яшаш керак деб.

— Лола, менга бир хонали уй топиб бер. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Ҳеч кимни кўришни истамайман. Ижара пулини ўйлама, ма, манави тақинчоқларимнинг ҳаммасини ол. Фақат икки-уч ойлик ижара пулини тўлаб қўйсанг бўлгани...

— Хўп-хўп, Шоира, ўзингни бос. Уйни, албатта, топамиз, бу муаммо эмас. Лекин сен аввал тиббий текширувлардан ўтишинг керак.

— Йўқ, ҳеч қандай текширувлардан ўтмайман. Кераги йўқ, — бақириб юборди Шоира.

Унинг асаблари ниҳоятда чарчаганди. Ўзини йиғидан тиблмасди. Гоҳ ўзини, гоҳ тақдирни, гоҳ Жўрабекни қарғарди.

Унга тинчлантирувчи уқол қилишгандан кейингина уқлаб қолди. Уйғонганида, Лола тепасида жилмайиб турарди. Унинг табассуми Шоиранинг гашини келтирди.

— Намунча тиржаймасанг? Одам ўламан деса, сен куласан-а, — деди Шоира.

— Ҳозир бир гап айтсам, сен ҳам куласан.

— Нима гап экан?

— Сен она бўласан!

Бу сўз аввал хона деворларида акс-садо берди. Сўнг Шоиранинг юрагида. У ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нима дединг?

— Бўйингда бўлибди, жиннийов.

— Ўйлаб гапиряпсанми? Ахир... Жўрабек акам...

— Эсингдами, ушанда шифокорлар мўъжиза юз бериши ҳам мумкин, дейишганди. Мана, ўша мўъжиза!

— Ишонгим келмайди...

— Лекин ишонишга ва ўзингни қўлга олишга мажбурсан. Ахир сен она бўласан!...

...Шоиранинг ўзига келиб олиши учун бир неча кун керак бўлди. Бола ҳақида Жўрабекка айтмади. Олис шаҳарга кўчиб кетди. Ҳозир унинг ўғли олти ёшда. Қуйиб қўйгандек Жўрабекка ўхшайди. Шоира эса нуфузли клиникада ишлаяпти. У шифокорлар давосиз деб айтган хасталикни энди. Унга оналик куч берди...

Жўрабек эса ҳамон ўзини бепушт деб ўйлайди ва қаердадир ўз пушти камаридан бўлган зурриёди яшаётганини билмайди.

Шоира у ҳақида ўйлаганида "Ҳаёт сени қай йўсинда ва қай куни синовдан ўтказишини билмас экансан", дея хўрсиниб қўярди.

СОЯ ОРТИДА
НУР БОР

Шу кундан бошлаб Жўрабек Шоирага аввалгига нисбатан янада эътиборли, янада меҳрибон бўлиб қолди. Шоира қисмат уни шу йигитга рўбарў этиб, сийлаганини тан олди. У билан ўтказган кунларига шукр қилди.

Орадан яна икки-уч ой вақт ўтди. Жўрабек эса кундан-кунга ўзгара бошлади. Бир куни асабийлашган ҳолда келди.

— Нима бўлди, тинчликми? — деб сўради Шоира.

— Бир дўстим билан шерикликка иш қилгандик. Ўхшамасди. Салкам ўттиз миллион сўмга тушиб ўтирибман. Энди нима қиламан? Дадам билса, нақ ўлдирари.

— Қайси дўстингиз эди?

— Қобил. Қобил деган бир оғайним билан. У падар лъанатига ишонгандим. Бунақа бўлишини билганимда, бир тийин қўшмаган бўлардим. Энг ёмони, пулни «процент»га олганман. Муддати тугагунча тўламасам, бир ярим баравар ошади.

Шоира Жўрабекни тинчлантиришга уринди. Бир чорасини топишларига ишонтирди.

— Шоира, кўнглингга келмасин-у, бир иш қилсақ, нима дейсан? Шу... бошқа уйга, ижарага кўчиб ўтсак-да, бу уйни... сотиб, ишларимни тўғрилаб турсам. Кейин ҳаммаси изига тушгач, бундан ҳам чиройли уй олиб берардим.

хар бир қадами ҳақида Шоирага гапириб берарди. Нега шундай катта савдога бош қўшади-ю, унга индамади?

Эртаси куни Шоира Жўрабек ишлайдиган савдо марказига борди. Ўзини таништирмасдан Қобил исми йигит ҳақида сўраб-суриштирди. Жўрабеkning яқин оғайниси бўлган Қобил шаҳар четидаги мебель салонининг эгаси экан.

Бу ерга келганида, Қобил қўл остидаги йигитлар билан гаплайиб турган экан. Кўришидан катта пул йўқотган одамга ўхшамасди.

— Келинг, келиноий, қайси бири ёқди? Нархларимизда чегирма бор, — чаққонгина сотувчи йигит Шоиранинг ёнига келди.

— Ука, сиздан бир илтимосим бор. Шу саволимга жавоб берсангиз, сизни рози қиламан. Фақат инсонийлик нуктаи назаридан ёрдамингизни аяманг.

— Майли, агар қўлимдан келса...

Шоира йигитга вазиятни қисқача тушунтирди. Йигит хўжайини Қобилнинг ҳеч қандай шерикчилик ишига қўшилмагани, у етти ўлчаб, бир кесадиған инсон эканини айтди. У Жўрабекни ҳам танир экан. Кеча ҳам Жўрабек билан кўришганини, у бундай иш ҳақида гапирмагани, ақсична, шаҳар марказидан ҳовли сотиб олаётгани, массивда сотиладиган квар-

даги бу зарбасидан гарангсиз қолди. "Бу ҳаётда асли ҳеч кимни бўлмаган экан", деди у ўз-ўзига...

Кечқурун Жўрабекни сўроққа тутди:

— Нега бундай қилдингиз?

— Нима қилибман? — деди Жўрабек ўзини ҳайронликка солиб.

— Бироз шошмасангиз, шу уй сизга қоларди. Биласиз, менинг ҳеч кимим йўқ. На болам, на уруг-аймоғим бор. Лекин сиз... сизни шу қадар паст кетасиз деб ўйламагандим.

Шоира йиғлаб юборди.

— Касал хотиннинг юзига термилиб ўтириш жонимга теғди. Мен ҳам одамман, ўйнаб-қулиб яшагим келади. Атрофда соғлом аёллар жуда кўп. Улардан бирига уйланаман...

Шоира қаршисидаги бу одамни танимай қолди. Шуми, унинг учун ҳаёт мазмуни бўлган инсон. Шу қас учун умрининг гул даврини шамолларга совурдимми? Мана шу бепушт инсонни деб оналик бахтидан воз кечдимми? Унинг муҳаббати, севгиси шу қадар сохтамади?..

— Кетинг, ўтинаман, кетинг!

— Нега мен кетарканман? Сен кетасан бу уйдан!

Шу пайтгача у Жўрабекнинг кўнглига қараб келганди, ҳозир ҳам охириги сўзини икки қилмади.

Касалхонада бирга ишлай-

Шахло ТОШБЕКОВА.



КИНОНИНГ АЖИБ ОЛАМИ...

Тарихий шахслар орасидан энг кўп кино экранига олиб чиқилган шахс — бу Франция императори Наполеон Бонапарт бўлади.

Таниқли океанограф Жак Ив Кустонинг "Сукутли дунё" фильми сув остида суратга олинган бўлиб, шу тарзда рангли кинолэнкага туширилган биринчи фильм ҳисобланади.



Атоқли ёзувчи Артур Конан-Дойлнинг машҳур қаҳрамони Шерлок Холмс образини 80 дан ортиқ актёрлар ижро этишган. Англия кинотанқидчиларининг фикрига кўра, Холмс ролин энг яхши ижро этган актёр деб Василий Ливанов топилган. Маълумки, у ўшанда Игорь Масленниковнинг "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон" телефильмида суратга тушган эди.



Энди Серкис ўзининг "Кинг Конг" фильмидаги баҳайбат персонажининг хатти-ҳаракатларини яхшироқ тушуниш, ишончли тарзда ишлаш учун Руанда мамлакатига ташиф буюриб, Горилланинг яшаш тарзи ва ҳаракатларини кузатган.

Бутун дунёда кинематография жадал ривожланиб бораётган XXI аср бошларига қадар Жануби-Шарқий Осиёдаги буддавийлар мамлакати — Бутан ўлкасида кинофильм ишлаш ва кўшиқчилик ҳамон таъқиқланган эди.

"Гарри Поттер" фильмидаги ёвуз сеҳргар Беллатрикс Лестрейннинг ушбу номи Беллатрикс юлдузи шарафига аталган эди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

МЕХРИМНИ АЯМАЙМАН

Биринчи фарзандим Гулжаҳон дунёга келганида ўн тўққиз ёшда эдим. Қизим ёшига етмасдан яна хомиладор бўлдим. Камқонлигим туфайли иккинчи фарзандим нимжон туғилди. Қизим боғчасида гепатит касаллигини юктириб олди ва хасталикни энголмай, вафот этди. Боламга қайгуравериб, ўзим ҳам яримжон бўлиб қолдим. "Ўғлимнинг тоғани дори сотиб олишга кетаяпти", деб қайнонам кўз очирмай кўйди. Оилавий шароитимиздан хабар топган акам соғайиб олишимиз учун мени ва ўғлимни ота уйимга олиб кетди. Хўжайиним бунинг нотўғри тушуниб, жанжал кўтарди. У ёқда келиноним меҳр билан парварош қилди. Ўғлим иккимиз оёққа турдик. Уч ойдан сўнг уйга қайтиб борсак, хўжайиним бизни қабул қилмади. Қайнонам ўғлига бошқа хотин излаётганини эшитгач, бу уйда ортиқ яшолмаслигимни тушундим. Ўғлим Фурқатжон ҳозир ўн икки ёшда. Акам бизга алоҳида уй-жой қилиб берди. **Ёшим 35 да.** Маълумотим ўрта. Корхонада иш юритувчи бўлиб ишлайман. Маошим ёмон эмас. Сурхондарё вилоятида яшовчи, 45 ёшгача бўлган иймонли, уй-жой тайин эркак бўлса, оила қуриш ниятиданам. Бир нафар қиз фарзанди бўлса, яна ҳам яхши. Унга оналик меҳрини бериб, ўстираман, деган умидда сизларга муурожаат қиламан.

ЗАМИРА,
Сурхондарё вилояти.

КЎЗИГА ЁШ ОЛМАДИ

Париод бизга ён кўшни. У кўз ўнгимда улгайди. Бир-биримизга кўнглимиз борлигини эшитган ота-оналаримиз тўйимизга розилик беришди. Унинг келиноийси Садбар опа уни ўз укасига келин қилмоқчи бўлган экан. Қайнонам эса мени танлади. Ҳамма ҳавас қилгудек оила қурдик. Орадан бир йил ўтиб, ўғлим Билолжон туғилди. Аммо Садбар

опанинг кўнглидаги ғараз аланга олиб, турли тўхмат гап-сўзлар билан Париоднинг кўнглини мендан совишти. Гўёки мен бошқа бир аёл билан хуфёна яшаб юрган эмишман. Энг ёмони, аёлим ҳам менга эмас, келиноийсига ишонди. "Менга хиёнат қилдинг", деб аразлаб уйига кетди. Ён кўшнимиз бўлса-да, ўғлимниям кўрсатмай кўйишди. Ўртаимизга совуқчилик тушиб, ажралишгача бордик. Судга борганимизда ҳам унинг кўзла-



Бахтли бўлинг

дан бир томчи ёш чиқмаганини кўриб, ҳайрон қолдим. Кўп ўтмай, келиноийси уни хотини оламдан ўтган жиянига келин қилди. Бизнинг ширин ва қисқагина бахтли турмушимизга шу ерда нуқта қўйилди.

Ёшим 29 да. Ўз фикрига эга бўлган, олий маълумотли қиз билан танишиб, оила қуришни истайман.

ХУРСАНДАЛИ,
Андижон вилояти.

БОЙЛИК ЭМАС, БАХТ КЕРАК

"Бахтли бўлинг" рўқни орқали Тошкент шаҳрида яшовчи Эргаш ака исмли кишининг телефон рақамини олгандим. Кўнгирик қилсам, Тошкентга келинг, учрашиб, гаплашиб кўрамиз, деди. Аёл бошим билан ўзим пойтахтга бордим. Учрашиб, оилавий шароитимиз ҳақида бир-биримизга гапириб бердик. Эргаш аканинг ҳовлисида бизнинг яшашимиз учун ша-

роит йўқ экан. Кенжа ўғли: "Уйи бор аёл топилса, ичкўв бўлиб кетаверинг", дебди. Менинг уйимда яшашимиз мумкинлигини айтдим. У сира хижолат тортмай, "Уйингизни сотиб, пойтахтдан бир хонали квартира олинг, иккаламиз билан қарога яшайверамиз", деса бўладими. Наҳотки отасини уйлантириш истагидаги ўғиллар ҳовлининг бир четидан озгина жой ажратиб беролмасми? Шундан сўнг ундан кўнглимни уздим. **Ёшим 59 да.** Икки нафар фарзандим бор. Иккиси ҳам оиласи билан хорижда яшайди. Мен эса ёлғизман. Тўғри, иқтисодий жиҳатдан таъминлаб туришадим. Аммо инсонга пулдан ҳам кўра, меҳр ва дийдор керак экан. Менга ортиқча нарсанинг кераги йўқ. Муҳими, одамлар орасида бўлсам дейман. Ёлғизликдан кўрқаман.

МАХБУБА,
Навоий вилояти.


СИНГЛИМГА СОВЧИ КЕЛДИ

Икки синглим бор. Кичигининг исми Шохсанам, каттасиники Гулсанам. Гулсанам оғир-босиқ, бировга зиёни тегмайдиган оқила қиз. Кичиги шўх-шаддо, бир гапириб ўн кулади. Шу боис опасидан олдин турмушга чиқиб кетди. Гулсанам эса халигача бирорта йигитнинг этагидан тутмади. Ўтган йили тахририятга бориб, синглимнинг ҳужжатларини топшириб келгандим. Тўғриси айтсам, сизларга унчалик ишонмовдим. Яқинда Моҳира исмли аёл кўнгирик қилиб, ўғлимни уйлантироқчи эканини ва бизникога совчи бўлиб келишини айтди. Аввал йигит билан қизни учраштирдик. Кўв макул бўлди, шекилли, учрашуга чиққан синглим хурсанд бўлиб қайтиб келди. Қудалар билан келишиб, тўйни шу ойнинг охирида ўтказмоқчимиз. Синглимнинг бахти очилишида беминанат ёрдам кўрсатганингиз учун сизларни ҳам ана шу бахт кечасига таклиф этмоқчимиз.

БАХРОМ,
Қашқадарё вилояти.

ТУРП

Табиат — дорихона



Куз келиши билан бозор расталарини аста-секин эгаллайдиган, дастурхонимизни турли салатлар қиёфасида безайдиган турп саломатлигимиз учун жуда фойдали бўлиб, унинг таркибида қанд, оксил, клетчатка, холин, каротин, С, В1 В2 витаминлари, калий ва натрий тузи, кальций, магний, эфир мойи, органик кислота, темир, аминокислоталар, фосфор элементлари мавжуд. Глюкоза ва ферментга бой. У иштаҳа очади, меъда шираси ажралишига ёрдам беради, бундан ташқари, пешоб ҳамда сафро ҳайдаш хусусиятига эга.

Ибн Сино турпнинг қайнатиб пиширилганини шамоллашга қарши, пешоб ҳайдовчи, балғам қўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида қўллаган. Турп билан асал аралашмасини ҳар хил жароҳат ва яраларга малҳам ўрнида суртиш мумкин.

Қизамик, бронхит, ўпка сили касалликларини даволашда ҳам ишлатилади. Турп шарбатини оғриқ қолдирувчи сифатида ревматизм, подагра, мушакларнинг, нерв толаларининг шамоллашида баданга суртиш тавсия этилади.

Халқ табиобатида кўкйўтал, нафас олиш йўллари шамоллашини даволашда турп шарбатига асалдан тенг миқдорда аралаштириб, кунига 3-4 марта бир ош қошиқдан истеъмол қилиш мумкин. Ичи ўйилиб, асал солинганида турпдан хуштаъм шарбат ажралади. Ушбу шарбат пешоб йўлида мавжуд бўлган майда тошларни жойидан қўзғатиш билан бирга, ўт қопи яллиғланишида ҳам фойдалидир.

Қабзиятда, саратон, жигар, ўт қопи, ошқозон-ичак касалликларида, артритда, диспепсияда (меъда ва ичакларда овқат сингмаслиги), ўт қопи ҳамда буйракдаги тошларни ҳайдаш учун 3 ош қошиқ турп шарбатига 2 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ спирт (40%ли) ва бир ош қошиқ миқдорда ош тузи қўшиб истеъмол қилинса, самарали натижа беради.

Меъда яраси бор беморларга, гастрит, энтероколит ҳамда юрак касаллиги билан оғриганларга турп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

● Ёгли идишларни ювишда хантал самарали воситадир. Бунинг учун идишга ханталдан сепаб яхшилаб ишқаланг. Аввал илик, сўнгра совуқ сувда чайинг.

● Идиш-товоқларга ёқимсиз ҳид ўрнашиб қолса, уларни майдаланган писта кўмир билан артиб, муаммодан халос бўлишингиз мумкин.



● Сочлари ўта ёгли бўлган аёллар шампунь ва совун ўрнига ханталдан фойдаланишлари керак. Аммо бу воситадан кўп фойдалансангиз, бош терингиз таъсирчан бўлиб қолади. Шу сабаб меъёрга риоя қилинг.

● Мутахассислар кунига 5 граммдан ортиқ туз истеъмол қилишни тақиқлашмоқда.

● Ҳар бир ошхонада камида 2 та — хом маҳсулотлар, қўқат ва сабзавотлар учун алоҳида-алоҳида тахтачалар бўлиши лозим.

● Гўш маҳсулотлари тўғралган тахтачалар, албатта, қайноқ сувда ювилгани маъқул.

● Хоналарга ўрнашиб қолган бўёқ ҳидидан қутулиш учун девор бурчакларига ликопчда туз қўйинг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

...Кекса онахон метрода тасодифан бир йигитга урилиб кетди. Ҳассага сунган, сочлари қордай оппоқ онахон бу воқеадан уялиб: "Уэр, болам, қарчилик курсин", дея хижолат бўлди. Шунда ҳалиги йигит (у кўринишидан "маданиятли" шахсга ўхшар, эгнидаги костюм-шими, бўйинбоғи, ялтираган туфлиси ва қўлидаги портфели шундан дарак берарди) қарияга ёрдам бериш, уни юпатиш ўрнига жаҳл аралаш: «Кўзингизга қарасангиз бўлмай-дими?! Туфлингиз дабдаласини чиқардингиз-ку! Эплаб кўнада юролмасангиз, қариганда уйда ўтирмайсизми, момой!" дея онахонни изза қилди. Шўрлик аёл ўзини ўнглаб ололмай, бир зум гандирак-лаб турганди, ёнбошидаги киши уни суяб ўриндиққа ўтказди.

Хўш, энди айтинг-чи, замондошим, катталарга хурмат, одоб, ўзбекона андишани билмайдиган бундай кимсаларнинг эгнидаги кати бузилмаган, оҳорли либослари маданиятлик белгиси бўла олармикан?

— Ҳозир кўпчилигимиз маданият деганда, бехуда, арзимас нарсаларни тушунадиган бўлиб қолганмиз, — дейди нафақадаги ўқитувчи Олим ота Раҳимкулов. — Болаларни ихтисослашган боғчаларга беришимиз, махсус мактабларда ўқитишимиз, уларнинг олий маълумот олишлари жамиятимиз тараққиёти учун жуда муҳим. Аммо бу нарсаларни ниқоб қилиб олиб, ўзларини маданиятлик деб ҳисоблаётганлар ҳам йўқ эмасда, орамизда. Чет тилида бир-икки жумлани билиш, сўнги модадаги қимматбахо кийимлар кийиш, иложи борича, дабдабали уйлар — қасрларда яшаш, барча қулайликларга эга бўлган замонавий машиналарда юриш, қимматбахо ресторанларда

овқатланиш, йигит-қиз, қайнота-келининг ўпишиб кўришишлари, интернет-кафеларда ўтириш, мол-дунё ортириш учун ҳар қандай йўлдан қайтмаслик каби омиллар фарбона маданиятнинг энг юксак белгилари саналар? Аммо ўзбекона маданиятни бу



каби мезонлар билан ўлчаб бўлмайди-ку! Буларнинг ўрнига уят, ҳаё, одоб, ота-онани, умуман, катталарни хурмат, кичикларни иззат қилиш, рост-гўйлик, адолат, саҳийлик, меҳр-муруват каби ҳислатларни янада кучайтирсак, яхши эмасми?!

Маданият ўзи нима? «Ўзбек тилининг изохли лугати»да келтирилишича, маданият — арабча сўздан олинган бўлиб, унинг бир неча маъноси бор: биринчи маъноси — жамиятнинг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар мажмуи. Иккинчидан, бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврдаги ютуқлари даражасини англатади. Учинчи маъноси биз энг кўп назарда тутадиганимиз — ўқимишли-

Ойна

лик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифатни англашди. Яна қолган маънолари ҳам шунга яқин...

Агар юқоридаги маънодан келиб чиқиб, фақат ўқимишли, зиёли-маърифатли кишиларнигина маданиятлик деб атасак, унда олий маълумотли бўлмаган, умри ҳалол меҳнати ортидан фарзандларини тарбиялаб ўқитаётган деҳқону хунармандларни қайси тоифага қўшамиз? Аслида, орамизда олий маълумотли, зиёли бўлаётган оддийгина "маданият кўчаси"дан ўтмаганлар ҳам учраб туради. Шунинг учун маданият "ўқиган" ёки "ўқимаганлик" билан белгиланмайди.

Баъзан атрофимиздаги одамларнинг маданиятлик ёки маданиятсиз эканлигини уларнинг ташқи кўриниши, юриш-туриши, оппоқ ёқаси ёки бўйинбоғига қараб белгилашга шошиламиз. Гўёки оқ ёқали кўйлашга костюм-шим кийганларнинг ҳаммаси маданиятлик бўлиб қоладигандек. Бутун ҳаётини оиласи бахтига бағишлаган муштирапар аёл, кун тиғида юзлари қорайиб кетган сотувчи, фаррош ёки уст-боши униканроқ оддий ишчи кимларнингидир назарида, маданиятдан йироқ туолиши мумкин. Аммо уларнинг кўнгли мусаффо, маънавий дунёси бой эмаслигига ким кафолат беради?

Қоқилиб йиқилгани ўрнидан тургазиб ёки кўчанинг у тарафидан бу томонига ўтаётган ногиронни етаклаб ўтказиб, икки оғиз ширин сўз билан далда берган, каттага хурмат, кичикка иззатда бўлган, ўзлигини англаган ҳар қандай киши, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, маданиятлик деган таърифга лойиқдир. Зеро, маданиятнинг туб илдирида ахлоқий гўзаллик, таълим-тарбия ва маънавий баркамоллик ётади.

Зарина РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

СОЛИҚ УНДИРИШ ТАРТИБИ

Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслардан қай тартибда солиқ ундирилади?

Илҳом ҲОЗИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги қароридан белгиланган тартибга қўра, жисмоний шахслар томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият турларини амалга ошириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қатъий белгиланган солиқни йиллик ҳажмда ундиради.

Агар жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи унинг яшаш жойидан фарқ қилса, у ҳолда ушбу жисмоний шахсни аниқлаган давлат солиқ хизмати органи икки иш кунини давомида мазкур жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги дав-

лат солиқ хизмати органига қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисоблаш учун юборади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи сифатида аниқланган жисмоний шахс ана шу санадан бошлаб, ўттиз кун ичида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаши ёки ушбу муддат давомида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Агар давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи сифатида аниқланган жисмоний шахс, бу иш аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун ичида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўламаган ва ушбу муддат давомида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, у ҳолда қарз суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда ундирилади.

Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахсга қатъий белгиланган солиқнинг ҳисобланган йиллик суммасини ўн икки ой давомида ушбу давр учун қатъий белгиланган солиқ бўйича келгуси солиқ мажбуриятлари ҳисобига тўлаш ҳуқуқи берилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини юритаётган жисмоний шахслар юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда солиқларни ўз вақтида тўлашлари ёки ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтишлари талаб этилади.

Савола Тошкент шаҳар Олмасор тумани ДСИ бўлим бошлиғи Олим ЗИЯЕВ жавоб бери.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топшириди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6634. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5



САККИЗ БОКСЧИМИЗ НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Бокс бўйича давом этаётган XVII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг саккиз нафар аъзоси — Ҳасанбой Дўсматов, оғирлиги 60 килограмм боксчилар ўртасида Фазлиддин Гойибназаров, 81 килограмм вазн тоифасида Ойбек Мамазулонов, терма жамоамизнинг тажрибали вакиллари Санжар Раҳмонов, Жасурбек Латипов, Азизбек Абдуғафуровлар дастлабки икки боксчиқан мубофақиятлик ўтиб, нимчорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

91 килограмм вазнга эга Рустам Тўлаганов молдовалик Владимир Челес, ўта оғир вазн тоифасида жанг ўтказган Мирзохид Абдуллаев австралиялик Йохан Линде устидан зафар қучди.

ЖАҲОНГИР — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Истеъдодли ёш шахматчимиз Жаҳонгир Воҳидов Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафелигида ўтказилган III Марказий Осиё кубогида мағлубиятсиз дона суриб, бош соврин соҳибни бўлди.

Умидли спортчимиз мусобақа давомида қозғистонлик гроссмейстерлари — Муртас Каҳгалеев, Павел Коцур, Пётр Костенко, тожикистонлик Андрей Онищенко ва Алишер Қаримовни мот қилди. Яна тўрт партияда ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Алексей Барсов, қозғистонлик Кирилл Кудеринов ва мезбон шахматчи Фаррух Амонатов билан дуранг ўйнади.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қилаётган нуфузли мусобақанинг "С" гуруҳидаги иккинчи тур учрашувида икки пешқадам - Ўзбекистон ва Марокаш ўсириллар терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Дастлабки турда ҳамюртларимиз Панагани 2:0, марокашликлар Хорватияни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратгани боис, голибларнинг ўзаро баҳсида зафар қучган жамоа гуруҳ пешқадамига айланарди. Шунинг учун ҳам ҳар икки жамоа фақат галаба учун тўп сурди.

Лекин ҳамюртларимизга Африканинг энг кучли терма жамоаларидан бирининг дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади.

Учрашувда ҳисоб очилмади ва ҳар икки жамоа очколари сонини тўрттага етказди. Дуранг натижа Ўзбекистон ўсириллар терма жамоасини мuddатидан олдин плей-оффа олиб қиди.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.